ТОШКЕНТ ШАҲАР МАҲАЛЛАЛАР ИШИНИ МУВОФИҚЛАШТИРИШ КЕНГАШИНИНГ ОЙЛИК ГАЗЕТАСИ
«Тошкент оқшоми» нашри.

# Маҳалладош

№ 1.
Июнь, 1989 йил.

# Аҳиллик оиласи

Партиямизнинг жамиятни янгилаш, социализмнинг имкониятларидан янада самаралироқ фойдаланиш, бунинг учун фаолият тарзимизга демократик тус беришни тобора чуқурлаштириш йўлидаги режалари маҳаллалар иш услубларини ҳам тубдан яхшилашни талаб этмоқда.

Маҳалла — ажойиб удумларимиз, тарихий ва янги анъаналаримиз қароргоҳи, ягона мақсад йўлида бирлашган қардош ва қондош халқларнинг иноқлик оиласидир.

Шаҳардаги маҳаллаларда юздан ортиқ миллат ва элат вакиллари биргаликда яшашади. Улар ўртасидаги дўстлик ва аҳилликни мустаҳкамлашда маҳалла комитетлари муҳим ишларни олиб бораётирлар. Аҳоли турар жойларида ўтказилаётган тадбирларда интернационал тарбия масалалари марказий ўринни эгаллайди.

Кўп йиллик меҳнатдан сўнг узлуксиз дам олишга кузатилган кексаларимиз фаолиятининг иккинчи босқичи маҳаллаларда бошланади. Маҳалла комитетларига партия, уруш, меҳнат ветеранларининг бошчилик қилаётганликлари жамоатчилик уюшмаларининг жамиятимиздаги аҳамияти ва мавқеини оширмоқда. Маҳалла комитетлари районлардаги уруш ва меҳнат ветеранлари кенгашлари билан ҳамкорликда иш олиб бормоқдалар. Доно кексаликка хос олижаноб фазилатларни ўзларида умумлаштирган Хувайдо номидаги маҳалладан Нишон Асадов, «Авангард» маҳалласидан Олим Ортиқов, «Илғор» маҳалласидан Хошим Алимов, Саидхон Азимова, «Партия XXIII съезди» маҳалласидан Қодир Расулев, Навоий номидаги маҳалладан Башир Орифхўжаев, «Янгиариқ» маҳалласидан Абдуфаттоҳ Набихўжаев каби ўнлаб фаолларимизнинг номларини мамнуният ва самимий ҳурмат билан тилга оламиз.

Қатор маҳаллаларда бошланғич партия ташкилотлари тузилиб, унинг атрофига пенсионер коммунистлар бирлашганлиги, уюшманинг маҳалла фаолиятида активлик кўрсатаётганлигини табриклаш керак. Бизнинг назаримизда маҳаллалар қошида бошланғич партия ташкилотларини вужудга келтириш жамоат ячейкалари ишини жонлантириб юборишда ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир. Бу масала билан район партия комитетлари жиддий шуғулланишлари, маҳалла коммунистларига ҳар томонлама амалий ёрдам кўрсатишлари зарур.

Маҳалла комитетларининг оқсоқоллар, хотин-қизлар кенгашлари каби органларининг аҳамиятини ҳам алоҳида таъкидлаш керак. Жамиятимиз аёлнинг турмуш шароитини яхшилаш тўғрисида чинакамига ғамхўрлик кўрсатаётган бугунги кунда маҳалла комитетларидаги хотин-қизлар кенгашларининг роли янада ортади. Улар амалда хотин-қизлар ҳаёти билан боғлиқ барча масалаларни ҳал қилишда фаол иштирок этишлари лозим.

Шу ўринда яна бир масала устида тўхталмоқчиман. Маълумки, маҳаллаларимиз жамоатчилик негизида иш олиб борадилар. Афсуски, баъзи район партия ва совет ташкилотлари уларнинг талаб ва истакларига етарлича эътибор бермайдилар, ташаббусларини ҳамиша ҳам қўллаб-қувватламайдилар. Баъзи жойларда маҳалла комитетлари ўз тадбирларини кўчаларда, қиш ойларида эса хонадонларнинг меҳмонхоналарида ўтказишга мажбур бўлмоқдалар.

Оила маҳалла билан азал-азалдан чамбарчас боғлиқдир. Маҳалла аҳиллик оиласи, тарбия маскани. Шундай экан, маҳалла комитетлари фаоллари оилани мустаҳкамлаш, ўзаро муносабатларни инсонийлик оқимига йўналтириб бориш, жиноятчиликнинг олдини олиш учун жонкуярлик қилишлари лозим.

Маҳалла комитетларининг ёшлар тарбиясидаги роли ҳам беқиёсдир. Ёш авлод тарбияси билан жиддий шуғулланаётган маҳаллаларда жиноятчиликнинг кескин камаётганлиги бунинг исботидир. Бироқ комсомол ташкилотлари, шу жумладан шаҳар ва район комсомол комитетлари маҳаллалардаги бундай имкониятлардан етарлича фойдаланмаяптилар.

Ҳуқуқий давлатни барпо этиш йўлида илк қадам ташлаган СССР халқ депутатларининг биринчи съезди материаллари, қабул қилинган қарорлар совет ва хўжалик органларининг барча бўғинлари, айниқса, маҳалла жамоатчилари учун бундан кейинги энг муҳим ҳаракат программаси бўлиб қолиши шубҳасиз. Шу жиҳатдан қараганда «Тошкент оқшоми»га илова тариқасида шаҳар маҳаллалари ишини мувофиқлаштириш кенгашининг янги ойлик «Маҳалладош» газетаси чиқарилишини қўллаб-қувватлаш керак. Шаҳар маҳаллалари ишини мувофиқлаштириш кенгаши ҳозир ўз иш планига эга. Кенгашнинг сайёр мажлисларини ўтказиш, маҳаллалар фаолиятига оид масалаларни шаҳар ва район Советлари ижроия комитетлари билан ҳамкорликда муҳокама қилиш, республика партия ва ҳукумат раҳбарлари билан учрашувлар ташкил этиш каби иш услуб ва формалари қарор топмоқда. «Маҳалладош»да ана шу соҳада тўпланган тажрибалар умумлаштириб бориладн, мавжуд муаммолар кўтариб чиқилиб, уларни ҳал этиш йўллари таклиф этилади, деган умиддамиз.

**К. РАСУЛОВ,**
Тошкент шаҳар партия комитетининг секретари.

— Сиз ёнма-ён туриб гаплашганмисиз?
— Бўйи қанақа эди, бобо?
— Болаларни жуда яхши кўрар эканлар, ростми?
— Тили чучуклиги тўғрими?
— Жуда ҳаракатчан одам бўлган дейишади-а?
Болаларнинг чуғурлашиб берган саволларига индамай жилмайиб турган бу нуроний ниҳоят тилга киради:
— Майли, қўзичоқларим, яна гапириб бера қолай...



Бу киши—биздан...

## Аср тенгдоши

Муҳаммадали бобо Ленинни кўрганлиги, унинг қандай одам эканлиги тўғрисидаги ҳикоясини ўн марталаб такрорлаган бўлишига қарамасдан, кичкинтойлар ҳар гал қайта-қайта гапиришга кексани мажбур қилишар, отахон ҳам сўзлашдан эринмасди.

...Россияда ишчи ва деҳқонлар ҳокимиятни қўлга олганлиги тўғрисидаги хабар бутун Туркистонни ларзага солди. Ўзбек элида ҳам инқилобий ҳаракат авж олиб кетди. М. В. Фрунзе Қизил гвардиячилари сафида Муҳаммадали ҳам бор эди. У ички ва ташқи душманларга қарши курашда кўрсатган жасорати учун бир неча марта улуғ саркарданинг эътирофига сазовор бўлди.

Тошкентдаги пиёда аскарлар курсида ўқиётган Муҳаммадали 1920 йилда ҳарбий ўқув юртлари талабаларининг конференцияси делегати сифатида Москвага келади. Ўша ерда у доҳий Ленинни кўриш бахтига сазовор бўлади.

Улуғ доҳий билан бўлган учрашувдан бир олам таассурот билан Ватанига қайтган ёш командир машҳур Миркомил Миршаропов отрядида Жунаидхон ва унинг тўдаларига қарши мардонавор жанг олиб борди. У биринчилар қаторида Ўзбекистоннинг биринчи президенти Йўлдош Охунбобоев қўлидан республика олий органининг фахрий ёрлиғини олди. 1927 йилда завод директори, артель ва колхозлар тузуми даврида Акмал Икромовнинг энг яқин ёрдамчиси сифатида фаолият кўрсатди.

Бироқ 1933 йилда Муҳаммадали ўша йиллардаги сийқа тамға — «халқ душмани» деган туҳмат билан қамоққа олиниб, барча ҳужжат ва фахрий ёрлиқлари ёқиб ташланди. Тўғри, 1937 йилда у қамоқдан озод қилинади. Лекин ҳужжатларни қайта тиклаб, эл-юрт олдида ўзини оқлаб олиш юзасидан қилган барча ҳаракатлари зое кетади. Фақат қайта қуриш туфайлигина у архив материаллари асосида ўзининг поклигини тиклашга муваффақ бўлди.

Яқинда Акмал Икромов районидаги А. Тожиев маҳалласининг фахри, ҳурматли бобомиз 40 нафар невара-эвара, чеваралари, қариндош уруғлари, маҳалла аҳли даврасида ўзининг 100 йиллик юбилейини нишонлади. Кексалигига қарамай ҳамон фикрлари теран, имони мустаҳкам Муҳаммадали Аминов ёшларни тарбиялашдек муқаддас ишга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда. Бобомизга сиҳат-саломатлик тилаб, у билан ҳамиша фахрланиб юрамиз.

**Шукурбек ТЕМУРОВ,**
**қишлоқ хўжалик фанлари кандидати, доцент.**



Янги маҳалла жамоли.

## Ўрганган, ўрнак олган яхши

**ШАҲАР МАҲАЛЛАЛАР ИШИНИ МУВОФИҚЛАШТИРИШ КЕНГАШИДА**

Илгари Советлар қарамоғида бўлган кўпгина масалалар эндиликда бевосита ўша муаммоларга дахлдор одамлар даврасида— маҳаллаларда муҳокама қилиниб, конкрет ишларни амалга оширишга эришилмоқда, уларнинг ижроси кўпчилик томонидан доимий равишда назорат қилиб турилибди. Шаҳар маҳаллалари фаолиятини мувофиқлаштириш кенгашининг навбатдаги йиғилиши Собир Раҳимов районидаги Беруний маҳалласида ўтказилди.

Маълумки, кўпгина маҳаллаларда иссиқ сув тугул соvуғи ҳам йўқ, канализация тармоқлари ўз ҳолига ташлаб қўйилган, суғориш шохобчалари, спорт майдончалари ачинарли аҳволда, медицина, маиший хизмат ва болалар муассасалари етишмайди. Кенгашда шу каби масалалар атрофида фикр юритилди.

Бироқ «Профессорлар шаҳарчаси» номини олган мазкур маҳаллада бу борада бирмунча ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, ободончилик, замонавий урф-одатлар, аждодларимиздан қолган яхши анъаналарни нишонлаш каби тадбирлар юқори савияда ўтказилмоқда. Маҳалланинг «Эсдалик китоби»га хорижий мамлакатлардан келган азиз меҳмонларнинг дил сўзлари битиб қўйилган.

Йиғилишда маҳалла комитетининг раиси Т. Қосимов ва хотин-қизлар кенгаши раиси Н. Раимова ўртоқлар сўзга чиқиб, маҳалла фаоллари қўлга киритган ютуқлар, ўз тажрибалари ҳақида гапириб бердилар. Шаҳар ижроия комитети раисининг ўринбосари Ҳ. Охунжонов ва шаҳар партия комитетининг масъул ходими Ш. Ёқубов ўртоқлар йиғилиш қатнашчиларининг маҳаллалар ишини янада жонлантириб юбориш юзасидан берган саволларига атрофлича жавоб қайтардилар.

Тажриба алмашишга бағишланган йиғилишга шаҳар маҳаллалари фаолиятини мувофиқлаштириш кенгашининг раиси, тарих фанлари доктори Қ. Фозилхўжаев якун ясади. Шунингдек, йиғилишда илғор тажриба ва яхши анъаналаримизни оммалаштириш учун бу хилдаги учрашувларни тез-тез уюштириб туришга қарор қилинди.

